

ИНФЕКЦИЯ, ИММУНИТЕТ И ФАРМАКОЛОГИЯ

***Научно-практический журнал
Журнал основан в 1999 г.***

Международная научно-практическая конференция на
тему: «*Проблемы и этапы развития
иммунофизиологии в новом Узбекистане»*
Специальный выпуск
Часть - 2

Редакционная коллегия:

Главный редактор — профессор Тулаганов А. А.

д.м.н. Абдухакимов А.Н., д.б.н. Аллаева М.Ж., проф. Аминов С.Д., проф. Гулямов Н.Г., проф. Ибадова Г.А., проф. Косимов И.А. (зам.глав.редактора), д.м.н.. Отабеков Н.С., проф. Туляганов Р.Т. проф. Мавлянов И.Р., проф. Маматкулов И.Х. (зам.глав.редактора), проф. Мухамедов И.М., проф. Нарзуллаев Н.У., доцент Сабиров Дж.Р., д.м.н.. Таджиев Б.М., д.м.н. Таджиев М.М., д.м.н. Саидов С.А., проф. Иноятов А.Ш., проф. Каримов А.К.. к.б.н. Кахоров Б.А., проф. Богдасарова М.С., доц. Зияева Ш.Т. (ответственный секретарь).

Редакционный совет:

акад. Арипова Т.У.,
акад. РАН, Кукас В.Г. (Москва)
акад. Даминов Т.А. (Ташкент)
акад. Тулегенова А.У. (Астана),
акад. Раменская Г.В. (Москва),
акад. Иноятова Ф.И. (Ташкент),

проф. Облокулов А.Р. (Бухара),
проф. Сайфутдинов Р.Г. (Казань),
проф. Гариф Ф.Ю. (Москва),
проф. Мадреимов А.М. (Нукус),
проф. Нуралиев Н.А. (Бухара)
проф. Туйчиев Л.Н., (Ташкент)

Ташкент-2023

- 21. ЭСАМУРАТОВ А.И., КАРИМОВА М.А. СУРУНКАЛИ ЙИРИНГЛИ ЎРТА ОТИЛЛИ ПАЦИЕНТЛАРДАГИ КАСАЛЛИК ҲОЛАТИНИНГ МИКРОБИОЛОГИК ТАВСИФИ.....149**
- 22. ЭШБАЕВ Э.А., ИСМАИЛОВ У.И.**
КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯДА ХОМИЛАДОР АЁЛЛАР ЖИГАРИДАГИ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР165
- 23. ЮЛДАШЕВА Н.М., ТАДЖИЕВА Ф.С., СУЛТАНОВА Ф.А. РОЛЬ СТЕКЛОВИДНОГО ТЕЛА В РАЗВИТИИ И ПРОГРЕССИРОВАНИИ ДИАБЕТИЧЕСКОЙ РЕТИНОПАТИИ...173**
- 24. ЮЛДАШЕВА Н.М., ТАДЖИЕВА Ф.С., СУЛТАНОВА Ф.А. РОЛЬ СТЕКЛОВИДНОГО ТЕЛА В РАЗВИТИИ И ПРОГРЕССИРОВАНИИ ДИАБЕТИЧЕСКОЙ РЕТИНОПАТИИ.....173**
- 25. ЮСУБАХМЕДОВ А.А., ФАЙЗИЕВ В.Б. МОЛЕКУЛЯР УСУЛ ОРҚАЛИ КАРТОШКА М-ВИРУСИНинг РЕЗЕРВАТОР ЎСИМЛИКЛАРИНИ ЎРГАНИШ.....180**
- 26. YUSUPOVA Z.A., SAYRAMOV F.B. MAVRAK TURLARINING XALQ ТАВОВАТИДА НАМДА ТИББИYOTDA QO'LLANILISHI...186**

UDK: 618.2/3-06:616.98:578.834.1

КОРОНАВИРУС ИНФЕКЦИЯДА ХОМИЛАДОР АЁЛЛАР

ЖИГАРИДАГИ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАР

Эшбаев Эркин Абдухалимович, Исмаилов Умиджон Илхамжанович.

Тошкент тиббиёт академияси

Андижон давлат тиббиёт институти

ismailovumid@mail.ru

Калит сўзлар: Жигар, коронавирус инфекцияси, оналар ўлими, жигар морфологияси.

Жигар макроскопик жиҳатдан тўқ-қизил рангли, катталашган, ўт копи кескин катталашиб, сафрога тўлган. Микроскопик жиҳатдан гепатоцитларда микровезикуляр ёғ томчилари, ўчоқли ҳолда гепатоцитлар некрози, портал йўлларда нейтрфиллар сони устун туради, синусоидларда микротромлар аниқланади. COVID-19дан юз берган оналар ўлимининг натижаси олинган аутопсиясида жигарни хар томонлама ўрганиш оқибатида муҳим маълумотлар вафот этган киритилди. Жигар макроскопик жиҳатдан катталашган, юмшаган, ташқи юзаси ола-була тусга кирганлиги, яъни, парда остида майда ўчоқли қон қуилишлар ва сарик-жигар рангли ўчоқлар пайдо бўлишидан ва тўқимаси кесиб кўрилганда паренхимаси хам соҳта мускат рангга кирганлиги аниқланади.

Мавзунинг долзарблилиги: жигар патологиялари ўткир ва сурункали гепатит билан боғлиқ бўлмаган оналар ўлими ҳолатларида жигарнинг ўзига хос патоморфологик хусусиятларини, COVID-19 билан боғлиқ оналар ўлими ҳолатларида жигарнинг ўзига хос патоморфологик хусусиятларини баҳолаш ҳамда оналар ўлимининг бирламчи ва бевосита сабабларини дифференциаллашган ташхисида морфологик маълумотлар миқдорий кўрсаткичларининг ташхисий аҳамиятини исботлашга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади. COVID-19 пандемиясида эпидемия даврида вирус билан зааралangan ҳомиладорлар жигарда кучли ва хаёт учун хавфли патологик жараёнлар ривожланиши мумкинлигини инобатга олиб, уларнинг олдини олиш учун кўриладиган чора-тадбирларни кучайтиришда аҳамиятли ҳисобланиши билан долзарб хисобланади.


Мақсад: COVID-19 нинг ҳомиладорларга юқуш даражаси, аъзо ва тўқималар шикастланишининг морфогенези ва патоморфологик ўзгаришларини ойдинлаштириш.

Материал ва усуллар: сифатида оналар ўлими аутопсиясининг жами 57 та ҳолатнинг клиник-анамнестик маълумотлари, касаллик тарихи ва ҳомиладорлик даврида Ковид-19 ташхиси тасдиқланган ва 29 та ҳолатда соматик касалликлар билан вафот этган аёллар жигарининг аутопсия материаллари олинган.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг мухокамаси: COVID-19 дан юз берган оналар ўлими аутопсиясида жигарни ҳар томонлама ўрганиш оқибатида мухим маълумотлар қўлган киритилди. Жигар макроскопик жихатдан катталашган, юмшаган, ташқи юзаси ола-була тусга кирганлиги, яъни парда остида майда ўчоқли қон қўйилишлар ва сариқ-жигар рангли ўчоқлар пайдо бўлишидан ва тўқимаси кесиб кўрилганда паренхимаси хам сохта мускат рангга кирганлиги аниқланади.


Жигарни микроскопик ўрганишда коронавирус касаллигининг даврларига қараб ҳар хил гистологик ўзгаришлар аниқланди. Коронавируснинг экссудатив даврида ўлган аёллар жигар тўқимасида дисциркуляция жараёнлари устун турганлиги, яъни, синусоидлар кескин кенгайиб, атрофига қон қўйилгани, гепатоцитларнинг тартибсиз жойлашгани аниқланади (1-расмга қаранг).

Вирус таъсирига хос ўзгаришлар синусоидлар девори тузилмалариға қараб, яъни Купфер хужайраларининг катталашиб, цитоплазмаси оқсили ва гидропик дистрофияга учраши ва лимфоид хужайраларнинг пайдо бўлиши билан намоён бўлди. Бунда гепатоцитларнинг устунсимон жойланиши бузилиб, оралиқ тўқима шишга учраганлигидан кенгайиб, унинг таркибида макрофаглар ва лимфоцитларнинг кўп тўпланиши кузатилди. Бунда Купфер хужайралари ядроининг гипертрофияланиши ва цитоплазмасининг вакуолизацияси оқибатида катталашиши аниқланди (2-расмга қаранг).




1-расм. Коронавирус билан заарланган ҳомиладорликнинг 36-хафталигига вафот этган Л. исмли аёл Жигарда синусоидлар тўлақонлиги, атрофига қон қўйилишлар, гепатоцитларнинг тартибсиз жойланиши, Купфер хужайраларнинг катташиши, лимфоцитларнинг пайдо бўлиши. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x40.

Айрим Купфер ҳужайралар цитоплазмаси ва ядросида эозинофилли ва ядрода гематоксилини киритмалар пайдо бўлганлиги бу эса вирус билан шикастланишга хослиги аниқланди. Микроскопнинг катта объективида ўрганилганда Купфер ҳужайраларнинг жигар ҳужайралари ва синусоид деворидан ажралган ҳолда жойлашганлиги, цитоплазмасида эозин билан тўқ бўялган ва гематоксилини киритмалар пайдо бўлганлиги яққол кўринади (3-расмга қаранг). Бу ҳолат адабиёт маълумотларнинг таҳлилидан кўриниб турибдики, яъни, SARS-CoV-2 билан эндотелий ва Купфер ҳужайраларининг шикастланишини тасдиқлади.



2-расм. Коронавирус билан заарланган ҳомиладорликнинг 33-хафталигига вафот этган К. исмли аёл Гепатоцитлар титилиб, тартибсиз жойлашган, орасида лимфоцитлар пайдо бўлган, Купфер ҳужайралари цитоплазмасида эозинофилли киритма пайдо бўлган. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x40.




3-расм. Коронавирус билан заарланган ҳомиладорликнинг 33-хафталигига вафот этган К. исмли аёл Купфер ҳужайралари катталашган,

цитоплазмасида гематоксилинили киритмалар пайдо бўлган. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x100.

SARS-CoV-2 таъсирида жигар синусоидлари эндотелийси билан бир қаторда Купфер хужайралари ҳам шикастланиши, атрофида лимфоцитлар тўпланиши, яъни улар йириклишиб, цитоплазмасида дистрофия кучайиб, метахромазия ривожланиб, кўкиш рангга бўялиши оқсиллар билан бирга углеводлар алмашинуви ҳам бузилганлигидан дарак беради.

Коронавирусдан вафот этган ҳомиладор аёллар айримларининг жигарида яна бир ўзига хос патоморфологик ўзгаришлар аниқланади, яъни, Купфер хужайралари коронавирус таъсирида бўлса керак шишиб кетталашганлиги аниқланади. Бунда, Купфер хужайралари цитоплазмаси вакуоллашиб, кўкиш рангга бўялганлиги, оқсил билан бир вактда углеводлар алмашинуви бузилишидан миксаматозга учраганлиги кузатилади (4-расмга қаранг).




4-расм. Коронавирус билан заарланган ҳомиладорликнинг 38-хафталигига вафот этган А. исмли аёл Купфер хужайралари цитоплазмаси вакуоллашиб, кўкиш рангга бўялиши. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x40.

Бу хужайраларнинг ёнида лимфоцитлар пайдо бўлиб, Купфер хужайраси билан адгезияланганлиги, яъни вирус таъсирида пайдо бўлган аутоантigenга қарши иммунопатологик жараён ривожланганлиги аниқланади. Жигар паренхимасининг айрим соҳаларига қон қуйилганлиги, гепатоцитлар цитоплазмаси оқсилли ва гидропик дистрофия оқибатида майда везикуляр дистрофияга учраганлиги кузатилади.


Коронавируснинг иккинчи даври, яъни пролифератив яллиғланишли даврида вафот этган ҳомиладор аёллар жигари ўрганилганда, бу аъзода ҳам пролифератив яллиғланиш жараёнига хос ўзгаришлар пайдо бўлганлиги кузатилди. Бунда, жигар портал йўллари атрофида кучли даражада лимфоид ва макрофагал инфильтрация пайдо бўлганлиги аниқланади. Бу жараённинг ўзига хос жиҳати шундаки, лимфоид инфильтрация ўт йўллари атрофида ривожланганлиги (5-расмга қаранг), илмий адабиётларда

келтирилган аниклик шуни кўрсатадики, яъни коронавирус билан кўпроқ холонгиоцитлар шикастланишини тасдиқлайди.




5-расм. Коронавирус билан заарланган ҳомиладорликнинг 35-хафталигига вафот этган М. исмли аёл портал йўлларида кучли лимфоид инфильтрация, ўт йўллари пролиферацияси. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x10.

Такидлаш жоизки хар қандай вирусли инфекцияга қарши Т-лимфоцитар инфильтрация пайдо бўлади. Микроскопнинг катта объективида ўрганилганда шу ҳолат аникланадики, портал йўлларидаги ўт найлари эпителийси шишиб катталашганлиги, натижада ўт йўллари пролиферацияга учраганлиги кузатилади. Бунда, атрофидаги лимфоид инфильтрация асосан ўт йўлларига яқин жойлашганлиги ва лимфоцитлар холангииоцитлар билан симбиоз пайдо қилганлиги аникланади (6-расмга қаранг).




6-расм. Коронавирус билан заарланган ҳомиладорликнинг 35-хафталигига вафот этган М. исмли аёл ўт йўллари пролиферацияси, холангииоцитларнинг катталashiши. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x40.

Коронавируснинг пролифератив яллиғланиши даври узок вакт давом этганда, қачонки ўпкада фибробластларнинг пролиферацияланиб, кўпайиши аниқланган даврда, жигарда ҳам портал йўллари атрофида кучли даражада фибробластларнинг ва толалари тузилмаларнинг кўпайиши кузатилди. Бунда, портал йўллари ва жигар бўлакчалари атрофида толали тузилмаларга бой бириктирувчи тўқима ўсиб кўпайганлиги аниқланди (7-расмга қаранг).



7-расм. Коронавирус билан заарланган ҳомиладорликнинг 37-хафталигига вафот этган Т. исмли аёл жигар портал йўллари, бўлакчалар атрофида толали тузилмали бириктирувчи тўқима ўсиб, кўпайган. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x10.

Толали тузилмалари гепатоцитлар орасига ҳам кириб борганлиги, хатто синусоидлар девори базал мемранаси қалинлашиб, толали тузилмага айланганлиги кузатилди (8-расмга қаранг).



8-расм. Коронавирус билан заарланган ҳомиладорликнинг 37-хафталигига вафот этган Т. исмли аёл жигар тўқимаси синусоидлар деворида толали тузилмаларнинг кўпайиши. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10x100.

Биритиувчи тўқима толаларини аниқлаш бўйича гистокимёвий усул қўлланилганда портал йўллари бўйлаб, жигар бўлакчалари атрофида ва синусоидлар деворида ҳам пикрофуксин билан қизил ранга бўялган толали тузилмалар аниқланди.

Дунё олимларининг олиб борган илмий тадқиқотлари натижаси кўрсатишича SARS-CoV-2 ва MERS-CoV хасталанган организмда жигарда ҳам шикастланиш қузатилишига қарамасдан. Бироқ, жигар шикастланиш механизми деярлик ўрганилмаган. Коронавирус инфекциясида вирус-индуцирланган таъсир, тизимли яллиғланиш, гипоксия, гиповолемия, гипотония каби омиллар жигарни ҳам шикастланади. ACE-2 холангииоцеллюляр эпителийда кўпроқ, гепатоцитларда камроқ экспрессияланади, шунинг учун гепатоцитларга нисбатан кўпроқ холонгиоцитларни шикастланади. Молекуляр-генетик текширув натижасида SARS-CoV-2 нафақат ўпка эпителийсида, балки гепатоцитларда ҳам аниқланган.

SARS-CoV-2 жигарга тўғридан-тўғри таъсир қилиши, вируснинг жигар ҳужайраларига репликацияланиши ва бевосита цитотоксик таъсирига боғлиқ. Тадқиқотлар кўрсатишича RNA-seq нинг юкори даражада аниқланиши SARS-CoV-2 натижасида жигарда ААФ2 кучли экспрессияланиши асосан холангииоцитлар, Купфер ҳужайралар ва эндотелийда қузатилган. SARS-CoV ўзининг маҳсус оқсили ёрдамида гепатоцитлар апоптозини кучайтирган. Бу маълумотлар Коронавируснинг жигарга бевосита таъсири мавжудлигини тасдиқлади.

Хуносалар

Жигар тўқимасини морфологик текширувлар шуни кўрсатдик, коронавирус инфекциясининг давларига боғлиқ ҳолда жигарда ҳам турли патоморфологик ўзгаришлар ривожланиши қузатилди. Коронавируснинг экссудатив даврида жигарда кучли дисциркуляция жараёни, оралиқ тўқиманинг шиши, бузилиши ва қон қуилиши, жигар паренхимасида, яъни, гепатоцитларда оқсили ва гидропик дистрофия ривожланиши қузатилади.

Хасталикнинг иккинчи пролифератив яллиғланишли даврида жигар портал йўллари бўйлаб лимфоид инфильтрациянинг кучайиши, Купфер ҳужайраларнинг миксаматозли метаплазияси, фибробластларнинг пролиферацияланиб, кўпайиши, биритиувчи тўқиманинг ўсиши, толали тузилмаларнинг портал йўллари, бўлакчалар атрофи ва хатто синусоидлар деворида ҳам пайдо бўлиши аниқланади.

Шунинг учун жигарнинг асосий вазифаларини инобатга олган ҳолда унинг турли штамли Коронавирус инфекциясида жигар тўқималар

шикастланишини патологоанатомик таҳлил қилиш асосий вазифаларимиздан бири сифатида баҳоланди ва бу илмий янгилигимизнинг асоси ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Li Y, Xia L. Coronavirus Disease 2019 (COVID-19): Role of Chest CT in Diagnosis and Management [published online ahead of print, 2020 Mar 4]. AJR Am J Roentgenol. 2020;1-7. doi: 10.2214/AJR.20.22954 36.
2. Licata A., Ingrassia D., Serruto A. et al. Clinical course and management of acute and chronic viral hepatitis during pregnancy. J. Viral. Hepat. 2015. Jun. 22 (6). P. 515-523.
3. Lim W, Dentali F, Eikelboom JW, Crowther MA. Meta-analysis: lowmolecular-weight heparin and bleeding in patients with severe renal insufficiency. Ann Intern Med. 2006 May 2;144(9):673-84. 88.
4. Lindor K.D., Lee R.H. Intrahepatic cholestasis of pregnancy. UpToDate. 2019;
5. Ling Wang, Quan Gan, Shuguo Du, Yun Zhao, Guoqiang Sun, Ying Lin, Ruyan Li. 2020. Acute fatty liver of pregnancy cases in a maternal and child health hospital of China, Medicine. 99, 29, (e21110)
6. Lisman T, Bernal W. 2017. Hemostatic issues in pregnancy-induced liver disease. Thromb Res. 151(1):78-81.
7. Liu D et al. Pregnancy and Perinatal Outcomes of Women With Coronavirus Disease (COVID-19) Pneumonia: A Preliminary Analysis. AJR Am J Roentgenol. 2020 Mar 18:1-6. doi: 10.2214/AJR.20.23072.
8. Liu H, Liu F, Li J, Zhang T, et al. Clinical and CT imaging features of the COVID-19 pneumonia: Focus on pregnant women and children. J Infect. 2020 Mar 20. pii: S0163-4453(20)30118-3.

РЕЗЮМЕ

МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ ПЕЧЕНИ

БЕРЕМЕННЫХ ПРИ КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ

Эшбаев Эркин Абдухалимович, Исмаилов Умиджон Илхамжанович.

Ташкентская медицинская академия

Андижанский государственный медицинский институт

ismailovumid@mail.ru

Ключевые слова: Печень, коронавирусная инфекция, материнская смертность, морфология печени.

Макроскопически печень зеленовато-красного цвета, увеличена в размерах, желчный пузырь резко увеличен и наполнен желчью. Микроскопически гепатоциты содержат микровезикулярные капли жира, очаговый некроз гепатоцитов, в портальных трактах преобладает количество нейтрофилов, в синусоидах выявляются микротромбы.

В результаты вскрытия матерей, умерших от COVID-19, внесены важные сведения в результате комплексного исследования печени. Макроскопически определяется, что печень увеличена, размягчена, ее наружная поверхность имеет пеструю окраску, то есть под оболочкой появляются мелкие очаги кровоизлияний и очаги желто-коричневого цвета, а ее паренхима также имеет ложно-мускатную окраску при вырезано.

SUMMARY

MORPHOLOGICAL CHANGES IN THE LIVER OF PREGNANT WOMEN WITH CORONAVIRUS INFECTION

Eshbayev Erkin Abduxalimovich, Ismailov Umidjon Ilhamjanovich.

*Tashkent Medical Academy
Andijan State Medical Institute*

ismailovumid@mail.ru

Key words: Liver, coronavirus infection, maternal mortality, liver morphology.

Macroscopically, the liver is greenish-red in color, enlarged in size, the gallbladder is sharply enlarged and filled with bile. Microscopically, hepatocytes contain microvesicular fat drops, focal necrosis of hepatocytes, the number of neutrophils predominates in the portal tracts, microthrombi are detected in the sinusoids. The autopsy results of mothers who died from COVID-19 have received important insights from a comprehensive liver study. Macroscopically, it is determined that the liver is enlarged, softened, its outer surface has a variegated color, that is, small foci of hemorrhages and foci of yellow-brown color appear under the shell, and its parenchyma also has a false nutmeg color when cut out.

УДК: 617.747 – 053.8: 612.6

РОЛЬ СТЕКЛОВИДНОГО ТЕЛА В РАЗВИТИИ И ПРОГРЕССИРОВАНИИ ДИАБЕТИЧЕСКОЙ РЕТИНОПАТИИ
Юлдашева Нодира Махмуджановна¹, Таджиева Феруза Султанбаевна²,

Султанова Фазилат Аминбаевна²

¹Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр эндокринологии им. Академика Ё.Х. Туракулова,

²Ургенчский филиал Ташкентской медицинской академии,

nodira_alieva73@mail.ru, feruzanm@mail.ru, fsultonova85@mail.ru

Ключевые слова: стекловидное тело, плотность стекловидного тела

Аннотация. Стекловидное тело выполняет несколько важных функций, включая механическую и структурную поддержку сетчатки, регуляцию клеточного гомеостаза и формирование трехмерной ретикулярной структуры. Коллагеновая ткань стекловидного тела в основном состоит из коллагеновых волокон второго типа, образующих фибрillлярный остов, а